

O'ZBEKISTON TARIXI

4/2017

HISTORY OF UZBEKISTAN



ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

Р. ТЎХТАЕВА

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА
ТУРКИСТОНДА ПУЛ МУОМАЛАСИ ҲОЛАТИ

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида юз берган сиёсий инкирозлар иқтисодий соҳага жиддий таъсир қилиб, молиявий ҳаёт ва пул муомаласининг инкирозига олиб келди. Россиянинг биринчи жаҳон уруши фаол иштирокчисига айланганлиги ва ҳокимият тепасига янги сиёсий тузумдаги ҳукуматнинг келиши натижасида, мамлакатда фуқаролар уруши келиб чиқди ва бутун давлатда жиддий иқтисодий танглик юзага келди.

Биринчи жаҳон уруши Россия учун 50 млрд. олтин пулга тушди. Бу улкан маблағни қоплаш учун жуда катта машаққат талаб этилди. Кўпроқ маблағ топишнинг энг қулай усули сифатида пул эмиссияси (пул чиқариш)га катта эътибор қаратилиши оқибатида инфляция кучайди.

Пул ислохотини ўтказиш учун аниқ сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар молия ва банк тизими мавжуд бўлиши талаб этилади. Шунинг учун 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг, совет ҳокимияти бундай аҳволни англаб, тезда банкларни қўлга олишга ҳаракат қилди. Шу йил декабрь ойининг охирида тижорат банклари “национализация” (давлат ихтиёрига ўтказиш) қилиниб, банк иши давлат монополиясида эканлиги эълон қилинди. “Национализация” қилинган банклар давлат банкига бирлаштирилиб, РСФСР Халқ банкига айлантирилди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида тузум ғояларидан келиб чиқиб, пулдан умуман воз кечишни талаб қилувчилар ҳам бўлди. 1918 йил 26 декабрда М. Сумскийнинг “Долой деньги” номли мақоласи эълон қилиниб, муаллиф бозорларда маҳсулот нархи ошишининг асосий сабаби сифатида олиб-сотарларни айблади ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг натура шаклини маъқуллаб, пул тизимини йўқ қилишни таклиф этди¹. Аммо бундай ғояларга янги ҳукумат аҳамият бермади, албатта. Янги ҳокимият пул ислохотини амалга ошириш заруриятини жуда яхши англади. Пул ислохотини ўтказиш тезроқ иқтисодий инкироздан чиқишга ёрдам бериши керак эди. Бу масала янги сиёсий тузумни ва давлатни мустақкамлашда катта роль ўйнади.

¹ Сумский М. Долой деньги // Наша газета, 26 декабря 1918 года.

Совет давлатида пул ислохотини ўтказиш ҳақида биринчи марта 1918 йил май ойида Россия молиячиларининг биринчи съездида фикр билдирилди. Аммо Россияда бошланган фуқаролар уруши туфайли пул ислохоти амалга ошмай қолди. Совет давлати муваққат ҳукумат томонидан чиқарилган Николай подшо пул белгилари, яъни “керенки”лар ўрнига янги совет пул белгиларини ишлаб чиқди. Уруш туфайли уларни тўла алмаштириш имкони бўлмаса-да, совет пули “совзнаклар”, “керенки”лар билан бирга бутун мамлакат ҳудудида тенг қўлланилди. Биринчи совет қоғоз пуллари РСФСР ХКСнинг 1919 йил 4 февраль декретига мувофиқ шу йилнинг мартада чиқарилиб, улар 1, 2 ва 3 рубллик эди. Улар “совзнаклар”, яъни совет пул бирлиги номини олди. Совзнакларда қилич ва болға, буғдой ҳамда қуёш нури фон сифатида берилган. Жорий йилнинг декабрида 15, 30 ва 60 рубллик пуллар чиқарилди². Аммо аҳоли “совзнаклар”ни баъзи ҳудудларда эски пулларга нисбатан қадрини паст баҳолаб, улар билан савдо қилишни хоҳламади³. Ҳатто ишчи ва ходимлар маошларини эски пул бирлигида берилишини талаб этди.

Туркистон Совет Россияси давлати таркибидаги ҳудудлардан бири бўлганлиги боис, ўлкага ҳам совет пуллари тарқатилди. Туркистонда совет ҳокимиятини ўрнатиш жараёнлари катта молиявий маблағни талаб этди. Масалан, 1918 йилнинг дастлабки уч ойида ушбу мақсадлар учун Туркистон бюджетидан 64 млн. рубль сарфлаш кўзда тутилди. Умуман жорий йилда бюджетдан 1085 млн. рубль сарфланди⁴.

Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР) ҳукумати қўлида қуйидаги микдорда маблағлар тўпланган бўлиб: бу собиқ давлат банки ҳамда хусусий банклардан тортиб олинган 8.716.262 рубль, эркин нақд пуллардан Совнарком учун ажратилган 11.789.788 рубль, Туркистон ўлкаси ихтиёрида сарфланиши режалаштирилган 1.452.346 рубль, халқ университети ихтиёридаги 1.900.000 рубль, давлат банклари бўлимларидаги 2.500.000 рубль, Совнархоз кассаларидаги 7.000.000 рубль, озиқ-овқат бўлимларидаги 10.000.000 рубль, Бухородан контрибуция эвазига олинган 2.000.000 рубль, жами 45.538.496 рублдан иборат эди⁵.

1918 йили турли соҳалар бўйича Туркистон молия халқ комиссарлигининг маълумотларига кўра 21.338.621 рубль даромад олиниб, бу бир ойга ўртача 1.778.218 рублдан тўғри келди⁶.

² Щелоков А. А. Монеты СССР. М.: Финансы и статистика, 1989. 10-б.

³ ЎЗР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 233-йиғма жилд, 55–56-варақ.

⁴ Народное хозяйство Туркестана за 1919 год. № 21. 1–2-бетлар.

⁵ Наша газета. 1918 йил. 27–28 январь. № 85, 86.

⁶ Народное хозяйство Туркестана за 1919 год. № 21. 1–2-бетлар.

ТАССР ҳукумати пул маблағларини хусусий шахслар мулкини “национализация” қилиш эвазига кўпайтиришга ҳаракат қилди. Шу мақсадда Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг саноат корхоналари ва темир йўлларни “национализация” қилиш тўғрисидаги бир қатор декрет ва қарорлари эълон қилинди. Туркистон ўлка ХКС 1918 йил 25 февралда “Владимир Алексеев” саноат ва савдо ширкати, шу йили 26 февралда Мурғобдаги подшо ерлари, 18 мартда нефт ва тошқўмир саноати корхоналари, 31 мартда ўлкадаги барча типография ва литографиялар, 31 мартда Фарғона темир йўли давлат ихтиёрига ўтказилди⁷. 1918 йилнинг биринчи ярмида пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари, пахта заҳиралари, босмахоналар, темир йўллар, банклар, конларни давлат ихтиёрига ўтказиб, жами 330 дан ортиқ саноат корхонаси “национализация” қилинди⁸.

Турли корхона ва ташкилотларнинг “национализация” қилиниши билан ўз навбатида уларнинг пул маблағлари ҳам давлат мулкига ўтди. Саноат корхоналари, пахта заҳиралари билан бирга хусусий банклар ҳам давлат ихтиёрига ўтказилиб, уларнинг маблағлари Туркистон Автоном Республикаси ХКС 1918 йил 8 майдаги декретига мувофиқ ташкил этилган Туркистон республикаси Халқ банкига топширилди. Бу жараёнлар жиддий қаршилиқлар билан кечди. Молия комитети қошидаги давлат банкининг Тошкент бўлими ходимларига жуда катта ҳуқуқлар берилган бўлса-да, молиявий танқислик туфайли улар кенг тадбирларни олиб бора олмадилар⁹. Бўлим ихтиёрида фақат 20 минг рубль бўлиб, бу катта эҳтиёжларни қондириш учун етарли эмас эди¹⁰. Давлат банкининг Тошкент бўлими 1918 йил 30 январда Петроградга пул чиқаришга рухсат сўраб, телеграмма юборади¹¹.

Ўлкада қалтис сиёсий вазият, иқтисодий инқироз, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, солиқ даромадлари ва манбаларининг камайиши натижасида пул муомаласи издан чиқди. Молиявий соҳадаги қалтис вазиятни бартараф этиш мақсадида совет ҳукумати хусусий банкларнинг пулларини мажбуран тортиб олиш йўлига ўтди. Масалан, Қўқон банкidan 8.222.223 рубль, Рус-Осиё банкidan 97.156 рубль, Сибир банкidan 26.994 рубль, Рус Ташки-савдо банкidan 20.096 рубль, Қўқон хазинасидан 52.046 рубль, Ўрта Осиё савдо ва саноат ширкатидан 29.000 рубль олиб қўйилди¹².

⁷ Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане // Сборник документов. Ташкент: Уз Гиз, 1947. 169–185-бетлар.

⁸ ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 375-йиғма жилд, 33-варақ.

⁹ ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 22-йиғма жилд, 6-варақ.

¹⁰ Наша газета. 1918 йил. 18 января. № 14.

¹¹ ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 187-варақ.

¹² Ўша жойда.

Кўкон Давлат банки бошлиқлари бу жараёнга жиддий қаршилиқ кўрсатиб, Петроградга норозилиқ хатини юборди. Уларнинг бу ҳаракати совет ҳокимиятига қарши ҳаракат сифатида баҳоланди.

Молиявий тақчилликнинг кучайишига солиқ тизимининг издан чиқиши ҳам кучли таъсир кўрсатди. Ўлкада хусусий мулк эгаларининг солиқдан қарзи жуда катта суммани ташкил этди. Масалан, Қўкондаги Потеляхов фирмасининг солиқдан бир миллион рубль қарзи бор эди¹³. Вазиятдан чиқиш учун совет ҳукумати хусусий мулк эгаларидан қарзларини мажбуран ундириш йўлига ўтди. Чунки марказ ўлкага ҳеч бир молиявий ёрдам кўрсатмади. Бунинг имкони ҳам йўқ эди. Марказдан юборилган кўрсатмаларда бой табақалардан иложи борица мавжуд маблағларни мажбуран бўлса-да, тартиб олиш ҳақида гапирилди¹⁴.

Туркистон банкларига 1917 йил давомида марказдан 632,0 млн. рубль, 1918 йилга 320 млн. рубль, 1919 йилнинг январь – март ойларида 100 млн. рубль келиб тушган бўлса, апрелдан сентябрга қадар бир рубль ҳам ажратилмади¹⁵.

Оғир сиёсий вазият, иқтисодий ҳаётнинг, пул тизимининг издан чиқиши, марказдан пул жўнатишнинг тўхташи туфайли Туркистон ҳукумати пул эмиссиясини чиқаришга мажбур бўлди.

1918 йил 19 февралда Туркистон Халқ Комиссарлар йиғилишида 1, 3, 5, 10, 25 ва 50 рубллик пул белгиларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилди¹⁶. Туркистон Автоном республикаси ҳукумати Петроградга ўлка пул бозоридаги оғир аҳвол тўғрисида ахборот бериб, унда банкларга солиқларнинг тушмаётганлиги, ўлканинг асосий даромади ҳисобланган пахта маҳсулотларининг уруш туфайли бошқа ҳудудларга жўнатиш имкони бўлмаганлиги сабабли кучли пул танқислиги вужудга келганлигини маълум қилди. Шу боис, ўлка маъмурияти Россиядан маҳаллий пул белгилари туркбонларни 15 млн. миқдорда чиқариш ҳамда давлат банкидан 100 млн. рубль юборишини жиддий сўрайди. Туркистон республикаси ҳукуматининг талаби қондирилиб, туркбонларни чиқариш учун рухсат берилди¹⁷. Туркистон республикасида туркбонлар 1918 йилнинг апрелидан бошлаб чиқарилиб, янги пулнинг қонуний асослари 1918 йил 3 сентябрдаги РСФСР ХКСнинг декрети билан мустаҳкамланди. Турк-

¹³ ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 23–25-варак.

¹⁴ ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 208-варак.

¹⁵ Наше денежное обращение. (Сборник материалов по истории денежного обращения в 1914–1925 гг.) Москва: Финиздат, 1926. 210–213-бетлар.

¹⁶ ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 35-варак.

¹⁷ ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 210-варак.

бонлар 1918 йил 6 апрелда Туркистон ХКСнинг қарори билан муомалага киритилди. “Давлат банкининг Тошкент бўлими томонидан чиқарилаётган кетма-кетлик тартибидаги 50, 25, 10, 5, 3, 1, рубль қийматига эга вақтинчалик пул нишонлари Туркистон ўлкасининг бешта вилояти ҳудудида эркин ҳаракатга эга, давлат кредит чипталари қатори давлат ва жамоа муассасалари, шунингдек хусусий фирма ва шахслар томонидан қабул ва тўлов қилиниши мажбурийдир”¹⁸.

1919 йил 1 мартда 1400 млн. рубль, 1920 йил 20 январда 8 млн. рубль, шу йилнинг 23 феврилида 10000 млн. рубль, 5 майида 15000 млн. рубль, 15 июнида 32000 млн. рубль, 31 декабрида 100000 млн. рубль туркбон чиқарилди¹⁹. Пул зарб этиш жуда катта маблағни талаб этар эди. Масалан, туркбонларни чиқариш учун Туркистон молия комиссарлиги 5916636 рубль сарфлади²⁰. Аммо чиқарилган пулларнинг кўпи кассаларга қайтиб тушмади. Бу эса Туркистон иқтисодини янада таназзулга олиб келди. Бу ҳолатнинг асосий оқибати пулларнинг кадрсизланиш даражасини кундан-кунга ортиши бўлди. 1919 йил РСФСР ва Туркистон пулларини унификацияси (бир хиллаштириш) амалга оширилди. Бунда Туркистоннинг 10 рубли РСФСРнинг 1 рублига тенглаштирилди. Аммо бу унификация жараёнлари Бухоро ва Хивада амалга оширилмади²¹.

Туркистон бозорларида бир вақтнинг ўзида совзнаклар ва туркбонлардан бир хилда фойдаланилди. 1918 йилда Совет Россияси “совзнак” пулларининг муомалада бўлишини Туркистонда 1918 йил 17 ноябрдаги Туркистон МИКнинг буйруғи билан қонунийлаштирилди²².

Туркистон республикасининг моддий қийинчиликларини имкон қадар тугатиш учун туркбонларни кўпроқ чиқарилишига зўр бериб ҳаракат қилинди. Бу эса чиқарилаётган пулларнинг сифатига жиддий таъсир кўрсатди. Туркбонларни чиқаришда чой қоғозларга “палов” таомида ишлатиладиган зарчўба ҳамда уйнинг томларини бўяйдиган бўёқлардан фойдаланилди. Пуллар сифатсиз қоғоз ва бўёқдан тайёрланаётганлиги сабабли тезда ишдан чиқди. Масалан, 1919 йил Туркистонда “совзнак” пуллари туркбонларга алмаштирилаётганда уларнинг 13,5 фоизи умуман яроқсиз ҳолга келганлиги туфайли муомаладан чиқарилган²³. Тур-

¹⁸ ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 507-варак.

¹⁹ Наше денежное обращение. (Сборник материалов по истории денежного обращения в 1914–1925 гг.). Москва: Финиздат, 1926. 270-бет.

²⁰ ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 50-йиғма жилд, 516-варак.

²¹ ЎзР МДА, 9-фонд, 1-рўйхат, 3219-йиғма жилд, 10-варак.

²² ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 158-йиғма жилд, 8-варак.

²³ ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 175-йиғма жилд, 24-варак.

кистон республикаси ҳукумати қанчалик ҳаракат қилмасин, ўлкада кечаётган пул танқислигини тугатишга қодир эмас эди.

1917–1922 йилларда Россиянинг собиқ мустамлакалари Кавказорти, Ўрта Осиё, Украина каби ўлкаларда пул эмиссияси жуда тарқоқ ҳолда бўлди. Кўп жойларда нафақат совет ҳокимияти органлари, балки уларга душман кучлар томонидан ҳам пуллар чиқариш йўлга қўйилди. Масалан, Россиянинг турли ҳудудларида Деникин, Колчак, Юденич пуллари тарқалди.

Аммо Туркистонда пул эмиссияси фақат совет ҳокимияти органлари қўлида бўлди²⁴. 1918 йилдан ўлкада пул чиқарувчи асосий марказ халқ банкининг Туркистон бўлими эди. Чиқарилган пуллар нафақат Туркистон, балки Каспийорти, Самарқанд, Етисув, шунингдек, Бухоро ва Хива ҳудудларига ҳам тарқатилди²⁵.

1918 йил 13 майда Туркистон ХКСнинг қарори билан Туркистон республикаси ижроия комитети қошида молиявий-бюджет комиссияси ташкил этилди²⁶. Ушбу комиссия зиммасига турли корхона ва ташкилотларнинг пул маблағлари бўйича смета-лойиҳаларини кўриб чиқиш ва маблағ ажратиш каби вазифалар юклатилди. Аммо республикада пул маблағларини тақсимлаш бўйича иккита давлат органи, яъни молия комиссарлиги ҳамда молия-бюджет комиссияси фаолият олиб борди. Шунинг учун соҳа фаолиятини тизимлаштириш мақсадида, 1919 йил 7 апрелда Туркистон республикаси ХКСнинг қарори билан молия комиссарлиги қошида корхоналараро кенгаш тузилиб, ушбу ташкилотга турли комиссарликларга эҳтиёжларидан келиб чиқиб пул маблағларини ажратиш вазифаси топширилди²⁷. Корхоналараро кенгаш турли корхона ва ташкилотларнинг пул маблағлари сўраб қилган мурожаатларини ўрганиб чиқиб, энг эҳтиёжманд ташкилотларга пул ажратди.

1918 йил Туркистон Автоном Республикаси ҳукумати чиқарган 15 млн. рубль “туркбон” молиявий эҳтиёжларни кондиришга қодир эмас эди. Шу боис, 1920 йил 28 майда Турккомиссияси томонидан шу йилнинг май – июнь ойларида Халқ банкининг пул эмиссиясини 28 млрд. га чиқариш ҳақида кўрсатма берилади²⁸.

Давлат хазинасига келиб тушадиган пул миқдорининг кўпайишида омонат кассалари муҳим ўрин эгаллайди. 1919 йил октябрда Совнархоз биринчи ўлка съездида омонат кассалари керакли маблағларни тўплай

²⁴ ЎзР МДА, 9-фонд, 1-рўйхат, 3219-йиғма жилд, 10-варақ.

²⁵ Ўша жойда.

²⁶ ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 145-йиғма жилд, 8-варақ.

²⁷ ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 31-йиғма жилд, 15-варақ.

²⁸ ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 190-йиғма жилд, 14-варақ.

олмаётганлиги таъкидланди. Бу даврда республика омонат кассаларида жами 22 млн. рубль тўпланди. Ушбу йиғилишда Туркистон халқ банки фаолияти ҳам қониқарсиз баҳоланиб, 1919 йил октябрь ойида банкнинг қарзи 4.232.383.594 рублни ташкил қилди²⁹.

Совет давлатининг бошқа ҳудудлари қатори Туркистонда ҳам бюджет танқислиги ортиб борди. Масалан, 1919 йил бюджет сарфи 10875 млн. рубль бўлиб, даромад 192 млн. рублни ташкил этди. Демак, бюджет танқислиги 10683 млн. рублни ташкил қилди. 1920 йили бюджет даромадлари 891 млн. рубль бўлса, сарфи 91.842054 млн. рубль бўлди. Бюджет танқислиги 91841163 млн. рубль бўлди. Такчил маблағларни ҳукумат қоғоз пулларни қўшимча ишлаб чиқиш эвазига қоплашга ҳаракат қилди.

Шароитдан келиб чиқиб, энг зарур деб ҳисобланган харажатлар учун маблағлар ажратилди. Масалан, 1919 йил Туркистон республикаси турли халқ комиссарликларининг маблағ бўйича эҳтиёжи фақат 60 фоизга қондирилди. Жумладан, меҳнат халқ комиссарлигининг буюртмаси 59320000 млн. рубль бўлиб, амалда 39.000000 рубль ажратилди. Айниқса, ер ишлари, халқ маорифи комиссарликларида бу борада аҳвол оғир эди. Масалан, жорий йилда халқ маорифи комиссарлиги 199.000000 рублга буюртма берган бўлса, амалда фақат 50.000000 рубль ажратилиб, талаб 36 фоизга қондирилди³⁰. Ҳолбуки, Туркистон республикаси бюджетининг ўсиши Россия Федерациясига нисбатан бир неча баробар юқори эди. Масалан, Россия Федерация бюджетининг тинчлик даврига нисбатан 285 мартага кўпайган бўлса, Туркистон Автоном Республикаси бюджетининг 4.000 мартага ортди³¹.

Туркистонда пул эмиссиясини кўпайтириш йўли билан давлат харажатларини қондиришга ҳаракат қилинди. 1919 йил 1 мартигача 1400 млн. рубль туркбонлар чиқарилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида 7 млрд.³², 1920 йилнинг охирига қадар 96 млрд. “бонлар” чиқарилган. Туркбонларнинг чиқарилиши қисман вазиятни юмшатса-да, аммо муаммоларни ҳал этишнинг ишончли ва аниқ ечими эмас эди. Пул чиқариш йўли билан маҳсулот етишмовчилигини, иқтисодий тангликни бартараф этиб бўлмасди. Баъзилар Туркистон бонларини давлат даромадининг асосий манбаи деб ҳисобладилар. Масалан, Маркевич ўзининг “Нашы Туркестанские бонны” мақоласида шундай ёзади: “Туркистонни

²⁹ Народное хозяйство Туркестана за 1919 год. № 23. 11–12-бетлар.

³⁰ Народное хозяйство Туркестана за 1919 год. № 36. 10–11-бетлар.

³¹ Финансовая реформа в Туркестане. (Тезисы ЦК. КП Б. Г.). 1921. 2–3-бетлар.

³² Маркович М. Наши Туркестанские бонны. //Народное хозяйство Туркестана. 1919. 16 ноября. 1–2-бетлар.

“бокиш” зарур эди ва у умумдавлат ғазнаси ҳисобига бонлар чиқариб, ўзини боқар эди”³³.

Бухоро бозорларида туркбонлар жуда паст баҳоланди. Масалан, 1000 “керенка” 9000 бонга тенг эди³⁴.

Туркистонда бу даврда ягона пул тизими мавжуд бўлмай, ўлкада хилма-хил пуллар муомалада бўлди. Туркистонда бир вақтда “николай”, “керенка”, “совзнак”, “туркбонлар” муомалада бўлиши билан бирга вилоятларда савдо-сотиқда маҳаллий пуллар ҳам ишлатилди.

1919 йил охирида Россия империяси даврида чиқарилган қоғоз пулларнинг кадри туша бошлади. Айниқса, “николай”, “вырненский” рубллари кучли қадрсизланди. Тошкент бозорида кўчатнинг нархи туркбонда 3000, вырненский пулида 5000 рубль, бир бўлак мато 1500 туркбон бўлса, вырненский пулида 2500 рублга баҳоланган³⁵.

Туркистон ҳукумати пуллар хилма-хиллигини олдини олиш учун 1919 йил 2 апрелда Тошкентда четдан келган барча кишилар ўзларидаги пулларни халқ банкида туркбонларга алмаштиришлари шартлиги тўғрисида буйруқ чиқарди³⁶. Туркистоннинг вилоятларида маҳаллий ҳокимият органлари ҳам сиёсий парокандаликдан фойдаланиб, иқтисодий тангликдан чиқиш мақсадида ўз пул бирликларини чиқаришга уриндилар. Масалан, 1919 йил апрелда Андижонда маҳаллий ҳокимият шу тарздаги ҳаракатни амалга ошириб, ўз пул бирлигини чиқаради. Шунингдек, Фарғона вилоят ижроия комитети Туркистон ХКСдан пул чиқаришга рухсат сўрайди³⁷.

Маҳаллий органларининг ушбу ҳатти-ҳаракатлари республика ҳукуматини жиддий ташвишга солиб, улар бу ҳолатни олдини олишнинг кескин чораларини кўрди. 1919 йил 11 июлда Туркистон ХКСнинг бу ҳақдаги махсус қарори эълон қилинди. Қарорда Туркистонда пул чиқариш ҳукукига фақат совет ҳукумати эга эканлиги таъкидланиб, маҳаллий совет органларига пул чиқариш қатъиян таъқиқланганлиги қайд этилди. Андижон ижроия комитети қарори билан чиқарилган пулларни 1919 йил 16–18 ноябрда тезда кассаларга қайтариш буюрилди ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги эълон қилинди³⁸.

³³ Народное хозяйство Туркестана за 1919 год. № 32. 1–2-бетлар.

³⁴ Ўша жойда.

³⁵ Рапорт Я. Вырненский рубль // Народное хозяйство Туркестана. 1920. 15 январь. 8-бет.

³⁶ Наша газета, 1919 йил, 4 апреля.

³⁷ Народное хозяйство Туркестана за 1919 год. № 36.

³⁸ Народное хозяйство Туркестана за 1919 год. № 36.

1920 йилнинг ўрталарида пул танқислиги янада кучайди. Ушбу ҳолат ҳисобга олиниб, 1920 йил 15 июлда Туркистон ХКСнинг 5000 рубллик вақтинчалик кредит чипталари чиқарилди. 1000 ва 5000 рубллик йирик пул бирликлари Туркистон ва унинг вилоятларида эркин муомалада бўлиши билан бирга РСФСРнинг Туркистонга қўшни Помир ва Урал вилоятларида ҳам иқтисодий алоқаларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида Россия ҳукуматининг буйруғи эълон қилинди³⁹.

Йирик пул бирликлари Туркистон бозорида кенг қўлланила бошланди. Муомаладаги барча пулларнинг 45 фоизини 1000 ва 5000 рубллик купюралар ташкил этди. Улар оммавий ишлатиладиган купюраларга айланди. Аммо бу тадбирлар Туркистон иқтисодини изга солиш ёки пул жамғаришни қулайлаштириш учун эмас, балки ўлкада кечаётган иқтисодий инқирозни биров юмшатиш мақсадида амалга оширилди.

Ишчи ва деҳқонлар табақасининг пуллари халқ банкида эркин ҳолда йирик купюраларга алмаштириб бериш тўғрисида ҳукуматнинг қатъий кўрсатмалари мавжуд эди.

1919 йил январга нисбатан 1920 йил июнда “туркбон”лар миқдори 25 мартага, Тошкентда нарх-наво 78 мартага ортди. Демак, пул миқдорининг ўсишига нисбатан нархлар ошиши бир неча барабар юқори эди. Туркбонлар қанчалик кўп ишлаб чиқарилса, уларнинг самараси шунчалик пасайиб, қадри тушиб борди. Масалан, 1914 йили 1 кг қўй гўшти Тошкентда 12 рубль бўлса, 1921 йили 625 рубль бўлди. Самарқандда бу нарх 13 рублдан 125 рублга, Қўқонда эса 14 рублдан 800 рублга кўтарилди⁴⁰.

РСФСРда 1918 йил 33,6 млрд., 1919 йил 163,6 млрд., 1920 йили 943,5 млрд. рубль чиқариб, пул чиқариш 30 мартага ўсди.

Жорий йилларда пул ишлаб чиқариш доимий равишда нарх-наво ўсишидан орқада бўлди. Масалан, 1918 йил пул ишлаб чиқариш 6,8 фоизга ўсган бўлса, нархлар 18,9 фоизга ўсди. 1919 йил бу кўрсаткичлар 11,4 ва 25,1 фоизга тенг бўлди.

Туркистонда молиявий соҳа фаолиятини барқарорлаштиришда энг жиддий муаммолардан бири бу кадрлар масаласи эди. Республика молия муассасаларида асосан ҳеч бир тажрибага эга бўлмаган кишилар хизмат қилди. Умуман, бу даврда соҳа ишини такомиллаштириш учун 200 га яқин мутахассис талаб этилган⁴¹. Бундан ташқари “Туркбонлар” сифатсиз қоғозларга босиб чиқарилди. Туркистон республикаси Россия ҳукуматидан 1920 йил пул ишлаб чиқариш учун 12 минг пуд сифатли қоғоз,

³⁹ Наша газета. 1919 йил, 19 февраль.

⁴⁰ ЎзР МДА, 18-фонд, 2-рўйхат, 49-йиғма жилд, 123-варақ.

⁴¹ ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 175-йиғма жилд, 25-варақ.

пул ишлаб чиқарувчи станок юборишларини сўраб қилган мурожаати жавобсиз қолдирилди⁴².

1921 йили бозорда товар айланиши ортиб, совзнакларнинг эмиссияси суръати пасайди ва рубль кадрсизланиши бир оз бўлса-да тўхтатилди ва шу йили пул массасининг ўсиш суръати 28,9 фоизни ташкил этди⁴³. Бу эса ўз ўрнида бозорда товар айрибошлашдан пул муомаласига ўтиш жараёнини тезлаштирди.

Россия бозорларида Германия, Япония пуллари, Туркистон бозорларида эса Афғонистон, Эрон, Хитой ва Англия пуллари ҳам муомалада бўлди. Бунинг устига Россиянинг 100 га яқин шахрида пул эмиссиялари амалга оширилди. Ушбу омиллар бозорларда турли пул бирликларининг кўпайишига сабаб бўлди.

Совет пуллари қанчалик кўп ишлаб чиқарилмасин, уларнинг қиймати жуда паст баҳоланди. Россияда, жумладан, Туркистонда совет ҳокимиятига қарши кучлар совет пуллари муомаласига жиддий тўсқинлик қилди. Савдо-сотиқда натура (маҳсулот айирбошлаш) етакчилик қилди.

Иш ҳақлари ҳам натура шаклида берилиб, ишчи ва хизматчиларга маош деярли пул билан тўланмади. Совет давлатида 1918 йил 28 фоиз иш ҳақлари натура шаклда бўлса, бу рақам 1919 йил 70 фоиз, 1920 йил 82–87 фоиз, 1921 йил 93 фоиз бўлди⁴⁴. 1921 йил совет давлатининг баъзи корхоналарида маошлар миқдорининг 93 фоизи натура шаклида тўланди. Бу эса ўз ўрнида ишлаб чиқаришга ва унинг назоратига жиддий таъсир этди. Ишчилар иш ҳақларини натура шаклида олаётганларида айнан ўзларига керакли маҳсулотни эмас, балки корхонага келтирилган бошқа маҳсулотни олишга мажбур бўлар эди.

Туркистон республикаси давлат режасига киритилган кўплаб ижтимоий муаммолар пул маблағлари етишмаганлиги туфайли ўз ечимини топмади⁴⁵.

1920–1921 йилларда совет ҳукумати томонидан ишчи ва хизматчиларга бепул озиқ-овқат тарқатиш, корхоналарнинг ўзаро муомаласини пулсиз амалга ошириш, иш ҳақларини натура шаклида тўлаш бўйича бир қатор декретлар имзоланди⁴⁶. Бироқ бу тадбирлар пул муомаласини сусайтиришга хизмат қилди.

⁴² ЎЗР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 175-йиғма жилд, 23-варақ орқаси.

⁴³ Денежное обращение и кредит в СССР. М.: Госфиниздат, 1957. 32-бет.

⁴⁴ Дояченко В. П. История финансов СССР. М., 1978. 52-бет.

⁴⁵ Андреевич П. Финансы Туркестана. // Народное хозяйство Туркестана. 1920. 1 август. 23-бет.

⁴⁶ Кўрсатилган асар. 35-бет.

Пуллардан, асосан, бозорларда фойдаланилиб, кўп ҳолларда, улар давлат кассаларига қайтарилмади. Бозорларда совет пуллари муомала воситасини бажарди. Натижада бозорларда олиб-сотарлик ва фирибгарлик авж олиб кетди. Масалан, 1000 рубллик пулни алмаштириш учун олиб-сотарларга 150–200 рублдан устама ҳақ тўланган⁴⁷.

РСФСР МИКнинг 1921 йил 7 октябрдаги декретига мувофиқ Давлат банки ташкил этилди. Давлат банки хўжалик ҳисобидаги мустақил муассаса сифатида тузилиб, унга саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда товар айланишига кредит ва бошқа банк операцияларида ёрдам бериш, шунингдек, пул муомаласида белгиланган қоидалар асосида юритилишини мувофиқлаштириш каби вазифалар юклатилди⁴⁸.

1921 йил 10 октябрда РСФСР МИКнинг “Молия хўжалигини тартибга келтириш бўйича чоралар тўғрисида”ги декрети эълон қилинди⁴⁹. Ушбу декретда Молия Халқ Комиссарлиги зиммасига давлат хазинасини имкон қадар тўлдириш, пул маблағларини сарфлашда ниҳоятда масъулият билан ёндашиб, уларни иқтисод қилиш, пул эмиссиясини қисқартириш ва иложи борича уни тўхтатиш каби вазифалар юклатилди. Ушбу ҳужжатда белгиланган чора-тадбирлар Россия Федерациясининг асосий таркибий қисми бўлган Туркистон Автоном Республикасига ҳам тегишли эди. Шунга мувофиқ, Россия Туркистон Республикаси ҳукуматидан, асосан, совет давлати пул бирликларидан фойдаланишлари лозимлигини уқтириб келди. Туркистон қўшни Афғонистон, Эрон, Хитой ва Бухоро билан фақат подшо ва давлат думаси пул бирликлари билан савдо қилиши мумкин эди. Уларнинг қиймати туркбонларга нисбатан хориж бозорларида юқори турди. 500 рубль подшо пули 2500 рубль “керенка” га, 1000 рубль подшо пули 8000 рубль “туркбонга” тенг эди⁵⁰.

Туркистон Иқтисодий Кенгаши қошида валюта тизими бўйича махсус комиссия тузилди. Мазкур комиссия мустаҳкам валюта сиёсатини шакллантириш, қалтис вазиятдан чиқиш учун собиқ буржуа вакиллари билан келишувга боришни ҳамда уларга олтинни эркин сотиб олиш ва сақлашга рухсат берилишини таклиф қилди⁵¹. Ҳатто бу комиссия Туркистон ички бозорига қўшни Афғонистон ва Эрон валюталарини киритишни ҳам таклиф этди. Аммо Туркистон ҳукумати бу таклифларни рад этди. Чунки Афғонистон ва Эрон валюталари Туркистонга кири-

⁴⁷ Наша газета. 21 февраль, 1918 йил.

⁴⁸ Денежное обращение и кредит в СССР. М.: Финансы, 1980. 77-бет.

⁴⁹ Денежное обращение и кредит в СССР. М.: Госфиниздат, 1957. 44-бет.

⁵⁰ ЎзР МДА. 37-фонд, 1-рўйхат, 50-йиғма жилд, 494-варақ.

⁵¹ ЎзР МДА. 18-фонд, 1-рўйхат, 102-йиғма жилд, 14-варақ.

тилса, ўлкага Англия экспансияси ҳам суқилиб кириш хавфи ортган бўларди.

Туркистонда бюджет танқислиги йилдан-йилга кўпайиб борди. Туркистон республикасининг 1919 йилги бюджети тақчиллиги 1913 йил билан таққослаганда, ўртада жуда катта тафовут мавжудлиги намоён бўлади. 1913 йил бюджет тақчиллиги 75.501.07 рубль бўлса, 1919 йили 335.11.758 рублга кўпайди. Даромадлар фақат 2 фоиз харажатларни қоплади⁵².

Туркистон республикаси молиявий масалаларидаги оғир аҳволнинг қатор сабаблари мавжуд эди: биринчидан, давлат апаратини моддий таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини четдан сотиб олиш учун, асосан, етишмаган маблағларни пул эмиссияси йўли билан ҳал этилиши; иккинчидан, давлат эҳтиёжлари учун аҳолидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ололмаганлиги; учинчидан, давлат бюджетининг асосий маблағи манбаи ҳисобланган солиқ тизимининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги; тўртинчидан, муомаладаги пуллар миқдорининг товар фондидан ортиб кетиши кабилар⁵³.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон республикаси Россиянинг таркибий қисми бўлганлиги учун, ўлкада бошқа ҳудудлардаги каби совет пуллари кенг қўлланилди. Россияда бўлаётган фуқаролар уруши натижасида ўлкага марказдан пуллар келтирилиши секинлашди. Кейинроқ эса бу жараён тўла тўхтади. Совет ҳокимиятининг ҳали тўлиқ ўрнатилмаганлиги, давлат органларининг мустаҳкам эмаслиги пул кадрсизланишини кучайтирди ва пулга муҳтожлик орта бошлади, натижада ўлкада турли пул бирликлари муомалага чиқарила бошланди. Жумладан, Туркистон ҳукумати ўзининг пул бирликларини, яъни “туркбон” пулларини муомалага чиқарди. Ушбу пулларнинг эмиссияси йилдан-йилга мисли кўрилмаган даражада ортиши туфайли, муомаладаги ушбу пулларнинг кадрсизланиши кучайиб борди. Бу эса ўлка иқтисодиётининг танглашуви, нарх-навонинг кескин ортиши, аҳолининг ижтимоий аҳволи ёмонлашувига олиб келди.

⁵² ЎзР МДА. 37-фонд, 1-рўйхат, 175-йиғма жилд, 1-варак.

⁵³ ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 175-йиғма жилд, 2-варак орқаси.



O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI

4
2017

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

*Bir yilda to'rt marta
chiqadi.*

© O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

МУНДАРИЖА

Мақолалар

- О. Бўриев.** Темурийлар даври географик асарларини ўрганиш методологиясига доир (Ҳофизи Абрунинг “География”си) 3
- Ҳ. Назирова.** XIX аср Хива хонлиги солномаларида ҳижрий ҳисобнинг қўлланилиши 15
- О. Баранова.** Туркистон генерал-губернаторлигида пенитенциар тизимнинг шаклланиш муаммолари ва ҳуқуқий асослари 25
- Б. Алимджанов.** Фарғона водийсида “Ака-ука Нобель” жамиятининг фаолияти (1910–1917 йй.) 36

Манба ва талқин

- М. Шамсиев.** Россия савдогари Шубай Арсланов кундалигидаги Тошкент тарихига доир маълумотлар хусусида 47
- О. Махмудов.** XIX аср охирида Помирда Россия империяси ҳокимиятининг ўрнатилишидан гувоҳлик берувчи манба 55

Тарих ва тарихчи

- А. Отаҳўжаев.** Суғд тарихи ва уни ўрганишда О. И. Смирнованинг роли 63

Ёш тадқиқотчи минбари

- Р. Тўхтаева.** Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда пул муомаласи ҳолати 74
- М. Тўхтаева.** Совет ҳокимияти қатағон сиёсатининг “Курзин иши” социологиясида ифодаси 87

Илмий ҳаёт

- О. Пуговкина.** “Ўзбекистон археология фани шаклланиши сарчашмасида: Belex М. Е. Массонга” – давра столи ҳақида 100